

Тазкия дарслари (164-дарс). Тоатни ошкора қилиш ва гуноҳни беркитишга рухсат



17:00 / 18.12.2021 4251

Тоатни махфий қилишда ихлос ва риёдан сақланиш фойдаси бор. Тоатни ошкора қилишда эса бировларнинг эргашиши ва одамларга яхшиликни тарғиб қилиш фойдаси ҳам бор.

Ҳажга ўхшаш ибодатларни эса махфий қилишнинг умуман иложи йўқ. Бас, шундай экан, амални ошкора қилган одам қалбини кузатиб бориши лозим. Токи унда махфий риёнинг муҳаббати пайдо бўлиб қолмасин. Доимо одамлар эргашишини ният қилиб турсин.

Бас, кимнинг иродаси кучли бўлиб, ихлоси нафсига эгалик қилолса, унинг наздида одамларнинг мақтови ва қоралови ҳеч нарса бўлмай қолса, амалини ошкора қилавериши мумкин. Чунки яхшиликка тарғиб қилиш

Риёдан қўрқиб тоатни тарк қилишда ҳам ҳолатга қаралади. Агар амалнинг сабаби дунё бўлса, уни тарк қилиш лозим. Чунки бундай амал тоат эмас, маъсиятдир. Агар амалнинг боиси дин ва холис Аллоҳ таолонинг розилиги бўлса, уни тарк қилиш лозим эмас. Чунки бундай ибодат риёга кирмайди.

Шунингдек, риё дейилишидан қўрқиб, амални тарк қилиш дуруст эмас.

Чунки бу шайтоннинг ҳийлаларидандир.

«Рухий тарбия» китоби асосида тайёрланди